

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМИРОВ ЗОКИРЖОН АБДИЛВОХИДОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИДА ДЕМОГРАФИК
ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Темиров Зокиржон Абдилвохидович

Фарғона водийси вилоятларида демографик жараёнлар
ривожланишининг худудий хусусиятлари.....3

Темиров Зокиржон Абдилвохидович

Территориальные особенности развития демографических процессов в
областях Ферганской долины.....21

Temirov Zokirjon Abdilvoxidovich

Territorial characteristics of the development of the demographic process
in the regions of the Fergana Valley.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМИРОВ ЗОКИРЖОН АБДИЛВОХИДОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИДА ДЕМОГРАФИК
ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Gr72 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қодиров Раҳимжон Болтабоевич
география фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар:

Тожиева Зулхумор Назаровна
география фанлари доктори, профессор

Жумаханов Шавкатжон Заиржонович
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» апрель соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация иши билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 35 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «01» апрелда тарқатилди.
(2022 йил «01» апрелдаги 39-рақамли реестр баённомаси).



Н.И.Сабитова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли турмуш шароити ва саломатлиги демографик жараёнларга муайян даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. аҳоли кўпайишининг юқори суръатларда сақланиб туриши демографик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мазкур муаммоларни ижобий ечими сифатида бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси томонидан “..аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва барқарор ривожланишни таъминлаш”¹ асосий вазифа қилиб белгиланган. Мазкур вазифалар аҳолиси зич ҳудудларда демографик жараёнлар ривожланишига хос хусусиятлар, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш ҳамда прогнозини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларни тақазо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, аҳоли такрор барпо бўлишининг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш, аҳоли саломатлиги ва ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг демографик жараёнларга таъсирини ўрганишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳудудлар аҳолиси такрор барпо бўлишига табиий ва иқтисодий-ижтимоий географик ва бошқа омиллар таъсири оқибатида юзага келган ўзига хос геодемографик вазиятни, демографик жараёнлар ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳамда унинг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш, ҳудудий демографик сиёсат ва тараққиётнинг йўналишларининг илмий асосларини такомиллаштириш ва махсус дастурлар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда инсон омилига йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш”² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, юқори демографик салоҳиятга эга Фарғона водийси вилоятларининг аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнларини, ҳудудий демографик таркибини ва жойлашувини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 8 августдаги ПҚ 3182-сон “Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва мазкур йўналишдаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ <https://www.unfpa.org/world-population-trends>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Демографик жараёнлар жумладан, туғилиш, ўлим, табиий ва механик ўсиш, никоҳ ва ажралиш масалалари хорижий олимлардан J.Graunt, A.Giyuar, D.Botero, A.Landri, V.S.Tomston, F.V.Notsteyn, D.Kirinom, МДХ мамлакатларидан В.А.Борисов, Д.И.Валентей, А.Я.Кваша, Д.Вересов, Б.Ц.Урланис, А.Г.Вишневский, В.В.Покшишевский ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда аҳолишунослик, демографик жараёнлар, оила демографияси, аҳоли прогнози масалалари билан М.Қ.Қорахонов, И.Р.Муллажонов, Х.Салимов, Э.А.Аҳмедов, Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ата-Мирзаев, А.А.Қаюмов, Қ.Х.Абдурахмонов, А.С.Солиев, Л.П.Максакова, М.Р.Бўриева, З.Н.Тожиева, Н.Қ.Комилова, Г.Р.Асанов, З.Раимжонов, И.Турдимамбетов, Р.Б.Қодиров, Г.А.Ходжаева, Н.Ж.Ембергенов ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Бевосита Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш З.Н.Тожиеванинг тадқиқотида атрофлича ёритилган. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари Р.Б.Қодиров томонидан олиб борилган. Бирок, юқорида қайд этилган тадқиқотларда, Фарғона водийси вилоятларида демографик жараёнларнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Болоня жараёни асосларини қўллаган ҳолда сифат ва типологияни таъминлашнинг институционал тизимини амалга ошириш мақсадида салоҳиятини такомиллаштириш” (IQAT) халқаро грант лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида демографик жараёнлар ривожланишига хос ҳудудий хусусиятларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳудудий демографик ривожланишининг асосий йўналишларини илмий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар, аҳоли таркибидаги ўзгаришлар, аҳоли жойлашуви ва миграция жараёнларининг ҳудудий хусусиятларини очиқ бериш;

Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг никоҳланиш ва туғилиш коэффициенти ўртасидаги корреляцион боғлиқлик динамикасини аниқлаш;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳоли такрор барпо бўлиши ва унга хос ҳудудий хусусиятлар, аҳоли ўлими ва ўртача умр давомийлигини ёритиб бериш;

Водий вилоятларида аҳолининг туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш кўрсаткичларига кўра демографик районлаштириш ва картасини яратиш;

Фарғона водийси вилоятлари шаҳар ва туманлари аҳолисининг 2040 йилгача мўлжалланган прогноз параметрлари “ёшни силжитиш” методи орқали ишлаб чиқиш;

аҳоли табиий ҳаракати кўрсаткичлари пасайиб боришининг ҳудудлар бўйича тарқалишидан юзага келадиган “геодемографик тўлқинлар”нинг йўналишлари аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг аҳолиси ва демографик жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона водийси вилоятларида демографик жараёнларнинг ўзгариши ҳамда унга таъсир этувчи омиллар, уларнинг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда картографик, тарихий, статистик-математик, тизим-таркиб, ижтимоий сўровнома, таққослаш, экстраполяция усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

аҳоли табиий ўсиши юқори бўлган Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳолининг никоҳланиш ва туғилиш коэффициенти ўртасидаги корреляция ($R=0,41$ дан $R=0,65$ гача) динамикаси (2010-2020 йй.) аниқланган;

Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш кўрсаткичлари ўхшаш бўлган ҳудудларни комплекслик, тарихийлик ва ҳудудий яхлитлик тамойиллари асосида демографик районлаштирилган ва картаси ГАТ технологиясида яратилган;

Фарғона водийси вилоятлари шаҳар ва туманлари аҳоли сони, салмоғи, демографик жараёнлар (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш), ёш-жинсий ва ҳудудий таркибининг 2040 йилгача мўлжалланган прогноз параметрлари “ёшни силжитиш” методи орқали ишлаб чиқилган;

аҳоли табиий ҳаракати кўрсаткичлари пасайиб боришининг ҳудудлар бўйича тарқалишидан юзага келадиган “геодемографик тўлқинлар”нинг йўналишлари аниқланган.

ҳудудий демографик жараёнлар ривожланишининг (аҳолини ҳудудий қайта ташкил этиш, ўртача умр давомийлиги ва демографик босимни ортиши) келажак параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг ҳудудий жойлашуви, унинг ўсиш суръатидаги ўзгаришлар ифодаланган районлаштириш картаси ГАТ технологиясида ишлаб чиқилган;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, демографик районлар аҳоли сони, салмоғи, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, ёш-жинсий таркибининг 2040 йилгача бўлган прогнози, демографик жараёнлар ва улар

билан боғлиқ ҳудудий муаммоларни олдини олиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари статистика бошқармалари маълумотларидан фойдаланилганлиги, асосий натижалар республика ва халқаро миқёсдаги конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан асосланади ҳамда тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган карта, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийси вилоятлари демографик жараёнлари, аҳолининг никоҳланиш жараёни ва туғилиш коэффициенти ўртасидаги корреляция динамикаси асосланганлиги, демографик районлар аҳолиси 2040 йилгача прогнози “ёшни силжитиш” методи орқали ишлаб чиқилганлиги, “геодемографик тўлқинлар” ва демографик ривожланишнинг келажак параметрлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Фарғона водийси вилоятлари демографик дастурларини ишлаб чиқишда, демографик жараёнларни баҳолашда, никоҳ ва ажралишларга оид муаммоларни ҳал этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, олий таълим тизимининг тегишли йўналишларида ўқув жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси вилоятларида демографик жараёнлар ривожланишига хос ҳудудий хусусиятлар бўйича олинган натижалар асосида:

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳолининг никоҳланиш ва туғилиш коэффициенти ўртасидаги корреляция коэффициенти динамикаси 2010-2020 йиллардаги ўзгариши аниқланган ҳамда геодемографик омиллар асосида янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 12 декабрдаги 05/12-02-6/10-5020 маълумотномаси). Натижада, инсон капитали даражаси ва сифатини ошириш бўйича дастурларни такомиллаштириш имконини берган.

Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш кўрсаткичлари ўхшаш бўлган ҳудудларни демографик районлаштириш картаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги фаолиятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 1 декабрдаги 03-05-2021 маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Миллий атласининг Ўзбекистон Республикаси аҳолиси бўлими карталарини яратишда, Андижон, Наманган ва Фарғона

вилоятлари аҳолиси ва меҳнат ресурслари карталарини такомиллаштириш ва ахборотлар базасини янгилаш имконини берган.

Фарғона водийси вилоятлари шаҳар ва туманлари аҳоли сони, салмоғи, демографик жараёнлар (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш), ёш-жинсий ва ҳудудий таркибининг 2040 йилгача мўлжалланган прогноз натижаларидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 12 декабрдаги 05/12-02-6/10-5020 маълумотномаси). Натижада, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг 2040 йилгача бўлган даврда аҳолининг самарали бандлигини ошириш ва муносиб иш билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратишга оид параметрларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳоли табиий ҳаракати кўрсаткичлари пасайиб боришининг ҳудудлар бўйича тарқалишидан юзага келадиган “геодемографик тўлқинлар”нинг йўналишлари ва ҳудудий демографик ривожланиш параметрларига оид маълумотлари 2022-2026 йилларда иқтисодий ислохатларни жадаллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнларида белгиланган дастурларни ишлаб чиқишда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 12 декабрдаги 05/12-02-6/10-5020 маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат ресурсларини тўғри тақсимлашга, ҳамда инсон капитали даражасини ошириш орқали иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналиш ва вазифаларни ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс этирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилиб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб

берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Демографик жараёнларни географик ўрганишнинг назарий ва услубий масалалари”** номли биринчи бобида демография ва демографик жараёнлар тўғрисида турли олимларнинг қарашлари баён этилган. Демографик жараёнлар, аҳолининг такрор барпо бўлиши, унинг типлари ва унга таъсир этувчи омиллар, геодемография ва демогеография тушунчаларининг умумий ва хусусий томонлари тадқиқ этилган.

Демографик билимларнинг ривожланиши ва унда илмий изланишлар олиб борган хориж ва ўзбек олимларининг тадқиқотлари ўрганилган. Ўзбекистонда геодемографик тадқиқотлар хусусан, Фарғона водийси вилоятларида шаҳарлар ривожланиши, аҳоли жойлашуви, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича қатор олимларнинг илмий тадқиқотлари ҳамда мазкур диссертация ишининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ўзбекистонда аҳолишунослик, демографик жараёнлар, оила демографияси, аҳоли прогнози масалаларини ўрганишда М.Қ.Қорахонов, И.Р.Муллажонов, Х.Салимов, Э.А.Ахмедов, Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ата-Мирзаев, А.А.Қаюмов, Қ.Х.Абдурахмонов, А.С.Солиев, Л.П.Максакова, Г.Р.Асанов, З.Раимжонов, М.Р.Бўриева, Х.Х.Абдураманов, З.Н.Тожиева, Н.Қ.Комилова, И.Турдимамбетов, Р.Б.Қодиров, Г.А.Ходжаева, О.Л.Муҳамедов, Н.Ж.Ембергенов ва бошқа олимларнинг хизматлари катта.

Диссертациянинг **“Фарғона водийси вилоятларида аҳоли динамикасига унинг демографик таркиби ва жойлашуви ҳамда миграциянинг таъсири”** деб номланган иккинчи бобида Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар, аҳоли таркиби ва ундаги ўзгаришларнинг демографик хусусиятлари, аҳолининг ҳудудий жойлашувидаги ўзгаришлар ва миграция масалалари ўрганилган.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари майдони 18,5 минг км²га тенг бўлиб, республика майдонининг атиги 4,1 фоизини ташкил этади. Фарғона водийси вилоятларида 1991 йилда аҳоли сони 5,5 млн. дан ортиқ кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилда қарийб 9,9 млн. кишига етди. 30 йил мобайнида водий вилоятлари аҳолиси қарийб 1,8 баробарга кўпайди. Бу даврда мамлакат аҳолиси 1,7 баробар ўсишга эриша олган, холос. Бундан кўринадики, республика аҳолисига нисбатан Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси нисбатан юқори ўсиш суръатига эга бўлган.

Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси ёш таркибида 1991-2020 йилларда 0-15 ёшдагилар салмоғи 40,7 фоиздан 29,5 фоизга пасайди. Болалар ва ўсмирлар салмоғининг камайиши, меҳнатга қилиш ёшидаги аҳоли салмоғининг ортишига олиб келди. Таҳлил қилинаётган даврда меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли салмоғи 51,6 фоиздан 59,8 фоизга ортган. Тадқиқот даврида нафақа ёшидаги аҳоли улуши 7,7 фоиздан 10,7 фоизга кўпайган, келгусида аҳолининг ўртача умр кўриш даврининг ортиб бориши ҳисобига

кексалар салмоғи янада ортиб бориши кузатилади. Бундай ҳолат яқин келажакдаги демографик жараёнларга муайян даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг ёш таркиби таҳлилида ҳудудий тафовутлар сезилади. Жумладан, 1991 йилда Андижон ва Фарғона вилоятларида 0-15 ёшли болалар салмоғи 40,3 ва 39,9 фоизни ташкил этди. Наманган вилоятида болалар ва ўсмирлар улуши бироз юқори, яъни 42,3 фоизга тенг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича республикада юқори ўринларни эгаллайди. Наманган вилоятида аҳолининг табиий ўсиш суръати Андижон ва Фарғона вилоятларига нисбатан мустақилликгача бўлган даврда ҳам юқори бўлиб келган.

Демографик жараёнлардаги ўзгаришлар туфайли 1991-2020 йилларда 15-59 ёшдаги аҳолига болалар ва қарияларнинг демографик босими сезиларли камайди. Таҳлилларга кўра, 1991-2020 йилларда ҳар 100 та 16-59 ёшдаги аҳолига тўғри келадиган демографик босим коэффициенти Андижон вилоятида 86,2 тадан 61,8 тага, Наманган вилоятида 92,9 тадан 65,1 тага ва Фарғона вилоятида 87,3 тадан 60,4 тага пасайиши кузатилди.

Фарғона водийси вилоятларида аҳоли зичлиги тадқиқ қилинаётган даврда ҳар бир кв.км майдонга 300 кишидан қарийб 500 кишига етган. Водий вилоятлари орасида сезиларли ҳудудий тафовут мавжуд бўлиб, майдони кичик саналган Андижон вилоятида аҳоли зичлиги қарийб 730 кишига етди ёки республика ўртача кўрсаткичидан 10 марта юқори бўлди. Ўрганилаётган ҳудудда аҳоли зичлиги бўйича энг паст кўрсаткич Наманган вилоятида 377,8 кишига тўғри келади. Мўътадил демографик хусусиятларга эга бўлган Фарғона вилоятида ушбу кўрсаткич 555,1 кишини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида водий вилоятларида аҳоли миграциясида пасайиш кузатилди. 1991 йилда жами мигрантлар 155,2 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 53,8 минг кишини этди. Натижада, 1991 йилда мамлакатдаги жами мигрантларнинг 24 фоизи водий вилоятларига тўғри келган бўлса, 2020 йилда унинг улуши 10,4 фоизга пасайиб, 13,6 фоизга тенг бўлди.

Ўрганилаётган ҳудуд мигрантларининг асосий қисми ички миграцияга тўғри келиб уларнинг сони 52,7 минг кишини (98 фоиз) ташкил қилади. Ўз навбатида, ташқи миграцияда 1,1 минг киши (2 фоиз) иштирок этди. Сўнгги йилларда водий вилоятларида аҳоли ички миграциясининг қишлоқ-шаҳар йўналиши бўйича ортишида кузатилди.

“Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг табиий такрор барпо бўлишига хос ҳудудий хусусиятлар” деб номланган учинчи бобда аҳоли такрор барпо бўлиши ва унга хос ҳудудий хусусиятлар, аҳоли ўлими динамикаси ва ўртача умр давомийлиги, Фарғона водийси вилоятларида ўтказилган ижтимоий-демографик сўровнома таҳлили масалалари ўрганилган.

1991 йилда водийси вилоятларида 200 мингдан ортиқ чақалоқ туғилган ва улар мамлакатда туғилган жами болаларнинг 27,6 фоизини ташкил этган.

2020 йилга келиб ушбу вилоятларда туғилганлар сони қарийб 250 минг кишига тенг бўлди ва унинг мамлакат миқёсидаги улуши 2,0 фоизга ортиб 29,6 фоизга кўтарилди. Туғилишнинг умумий коэффиценти водий шаҳар ва туманларида турли кўрсаткичларга эга бўлиб, ҳудудий жиҳатдан муайян тафовутларни келтириб чиқарган (1-жадвал).

1-жадвал

Б.Урланис таснифи бўйича Фарғона водийси вилоятлари шаҳар ва туманларини туғилишнинг умумий коэффиценти бўйича баҳолаш

Туғилиш даражаси тавсифи	Туғилишнинг умумий коэффиценти (ҳар 1000 кишига)	ТУК бўйича гуруҳларга мансуб туман ва шаҳарлар сони, та				Аҳолисининг улуши, фоизда			
		1991 йил	2000 йил	2010 йил	2020 йил	1991 йил	2000 йил	2010 йил	2020 йил
Фавқулудда паст	10 дан кам	-	-	-	-	-	-	-	-
Жуда паст	11-15	-	2	-	-	-	3,8	-	-
Паст	16-20	-	28	1	2	-	62,0	3,0	3,4
Ўртача	21-25	2	17	43	27	4,4	34,2	91,5	53,5
Ўртачадан юқори	26-30	4	-	2	18	14,8	-	4,5	43,1
Юқори	31-40	39	-	1	-	77,3	-	1,0	-
Жуда юқори	41-50	2	-	-	-	3,5	-	-	-
	Жами	47	47	47	47	100	100	100	100

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўрганилаётган даврнинг бошларида, яъни 1991 йилда Фарғона водийси вилоятлари аҳолисининг миллий таркиби мураккаб ва бандлик даражаси юқори бўлган Фарғона ва Хонобод шаҳарларида туғилишнинг умумий коэффиценти “ўртача”, Кўқон, Андижон шаҳарлари ва уларга қўшни туманларда “ўртачадан юқори” даражаси кузатилди. Бешариқ ва Мингбулоқ туманларида коэффицентнинг “жуда юқори” даражаси қайд этилди. Водий аҳолисининг 77,3 фоизини ўзида жамлаган бошқа шаҳар ва туманларда туғилиш умумий коэффицентининг “юқори” даражаси кузатилди. 2020 йилга келиб Фарғона водийси вилоятларининг 53,5 фоиз аҳолисида туғилишнинг умумий коэффиценти “ўртача” ва 43,1 фоизи “ўртачадан юқори” даражага тўғри келди. Шу ўринда, Фарғона ва Хонобод шаҳарларида ушбу коэффицентнинг “паст” даражаси, аксинча, Наманган шаҳри ва унга қўшни Уйчи туманида эса энг юқори даражаси кузатилган.

Фарғона водийси вилоятларида 1991-2012 йилларгача бўлган даврда умумий аёллар сонида фертиль ёшидаги аёллар улушининг ортиб бориши ва туғилиш суръатининг камайиши кузатилган бўлса, ундан кейинги даврда репродуктив ёшдаги аёллар салмоғи камайгани ҳолда, туғилиш коэффиценти ортиб бориш динамикасига эга бўлди. Бундай ҳолат, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар билан туғилиш коэффиценти ўртасидаги тесқари пропорционал боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатади.

Репродуктив ёшдаги аёллар салмоғининг ўзгариши билан туғилиш даражасининг пасайиш хусусияти туғилишнинг махсус, хусусий ва йиғинди коэффицентининг ўзгариб бориши билан изоҳланади. Водий вилоятларида туғилиш хусусий коэффицентининг энг юқори даражаси 20-29 ёшдаги аёлларга тўғри келишини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Фарғона водийси вилоятларида туғилишнинг хусусий, махсус ва йиғинди коэффицентларининг ўзгариши (2000-2020 йй.)

Йиллар	Оналарнинг ёш гуруҳи							15-49 ёш оналар	Туғилганлар сони	ТМК	ТЙК	
	15-19	20-24	25-29	30-34	35-39	40-44	45-49					
Андижон вилояти	2000	16,5	190,0	147,3	78,4	24,7	4,8	0,8	586884	43897	74,8	2,3127
	2010	24,6	194,1	160,7	79,5	24,5	3,8	0,2	766280	59953	78,2	2,4374
	2012	21,4	185,5	150,3	71,2	19,7	2,6	0,1	784329	58277	74,3	2,2545
	2020	26,1	258,7	190,6	109,7	39,5	4,6	0,2	823998	81425	98,8	3,1463
Наманган вилояти	2000	30,2	212,0	146,2	75,6	21,3	1,4	0,4	502966	40772	83,1	2,4352
	2010	27,2	181,7	152,0	66,0	18,9	2,6	0,2	684003	50799	74,3	2,2428
	2012	26,4	173,6	142,3	64,0	15,4	2,3	0,1	705439	50603	71,7	2,1208
	2020	32,9	250,6	190,1	106,9	36,0	3,6	0,1	756735	74720	98,7	3,1009
Фарғона вилояти	2000	20,0	209,6	138,4	67,2	20,4	4,0	0,2	703971	53168	75,5	2,2992
	2010	26,2	200,5	156,3	67,4	18,1	2,6	0,2	925188	70622	76,3	2,3560
	2012	27,7	179,4	139,8	61,1	14,7	1,9	0,1	949338	66989	70,6	2,1232
	2020	30,9	248,0	176,2	100,2	33,7	2,9	0,2	1000688	93037	93,0	2,9601
Фарғона водийси	2000	21,8	204,0	143,5	73,2	22,1	3,5	0,5	1793821	137837	76,8	2,3431
	2010	26,0	192,9	156,4	70,9	20,4	3,0	0,2	2375471	181374	76,4	2,3490
	2012	25,3	179,6	143,9	65,2	16,5	2,3	0,1	2439106	175869	72,1	2,1645
	2020	30,0	252,1	184,9	105,2	36,2	3,7	0,2	2581421	249182	96,5	3,0609

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Туғилган болаларнинг 73,6 фоизи оиладаги биринчи (37,7 фоиз) ва иккинчи фарзанд (35,9 фоиз)ларга тўғри келиши ва никоҳланиш даражасининг ўзгариши туғилиш даражасига ўз таъсирини кўрсатади. Никоҳ муносабатларининг барқарорлиги туғилиш жараёни юқори бўлишида муҳим ўрин эгаллайди. Водий вилоятларида никоҳ ва туғилиш жараёни ўртасида корреляцион боғланиш “ўртача” даражани ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра, Спирмен корреляция коэффиценти туғилиш “ўртача” бўлган 2010 йилда $R=0,63$ га (сезиларли), туғилиш 22,1 % ва оиладаги ўртача фарзандлар сони 2,4 та (ўртача) бўлган 2012 йилда $R=0,41$ га (ўртача) тенг бўлди. Туғилиш кўрсаткичи 20,8 % (паст) ва оиладаги фарзандлар сони 2,2 та (ўртача) қайд этилган. Сўнгги 2020 йилда эса Спирмен корреляция коэффиценти $R=0,49$ га (ўртача) тенг эканлиги аниқланди. Туғилиш коэффиценти эса 25,6 % (ўртачадан юқори) ва оиладаги фарзандлар сони 3,1 та, яъни юқори кўрсаткичга эга бўлди (3-жадвал).

Мазкур ҳолат Фарғона водийси вилоятларида сўнгги йилларда катта ёшдаги оналарда туғилиш суръатининг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Оила мустақамлиги, соғлом ва баркамол авлод тарбиясида никоҳнинг барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади. Фарғона водийси вилоятларига 1991 йилда мамлакатдаги жами ажралишларнинг 23,1 фоизи тўғри келган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 29,4 фоизни ташкил этди. Шу жиҳатдан қараганда, ажралишларнинг туб моҳиятини очиб бериш ва унинг муносиб ечимларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

3-жадвал

Фарғона водийси вилоятларида никоҳ ва туғилиш коэффициенти ҳамда оиладаги ўртача фарзандлар сонининг корреляцион боғланиши

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси			Фарғона водийси вилоятлари		
	Спирмен-корреляция коэффициенти	Туғилиш коэффициенти	Туғилишнинг йиғинди коэффициенти	Спирмен-корреляция коэффициенти	Туғилиш коэффициенти	Туғилишнинг йиғинди коэффициенти
2010	0,24	22,0	2,3	0,63	22,1	2,4
2012	0,60	21,0	2,2	0,41	20,8	2,2
2015	0,54	23,5	2,5	0,65	23,6	2,5
2020	0,72	24,6	2,9	0,49	25,6	3,1
Корреляция коэффициенти қийматига кўра боғланиш даражасини баҳолаш						
Қиймати	0,1-0,3	0,3-0,5	0,5-0,7	0,7-0,9	0,9 <	
Боғланиш кучи	Бўш	Ўртача	Сезиларли	Юқори	Жуда юқори	

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Фарғона водийси вилоятларида 1991-2010 йилларда ҳар 100 та никоҳга тўғри келувчи ажралиш коэффициенти 9,9 фоиздан 5,4 фоизгача пасайган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич аста-секин ортиб борди ва 2020 йилда 10,0 фоизга тенг бўлди. Бу борада энг юқори кўрсаткич Андижон вилоятига тўғри келиб, ҳар юзта никоҳга 12,2 та ажрим тўғри келган бўлса, энг паст кўрсаткич Наманган (8,9 та) ва Фарғона вилоятига тўғри келди (9,1 та).

Фарғона водийси вилоятларида 1991-2020 йиллардаги ўлимнинг умумий коэффициенти ҳар минг киши ҳисобига 6,3 кишидан 4,8 кишига ёки 1,5 кишига камайди. Фарғона водийси вилоятларида ўлимнинг умумий кўрсаткичи даврий ва ҳудудий тафовутга эга. Жумладан, 1991-1994 йилларда водий вилоятларида ўлим кўрсаткичи республика кўрсаткичидан юқори бўлган. Мамлакатда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган ислохотлар, аҳоли турмуш даражасининг ортиб бориши натижасида ўлим кўрсаткичи пасайиб борди. Шунингдек, Фарғона водийси вилоятларида 1991-2020 йилларда Андижон вилоятида ўлим коэффициенти ҳар минг киши ҳисобига 6,1 кишидан 5,0 промиллега ёки 1,1 промиллега камайган бўлса, Наманган вилоятида 1,0 ва Фарғона вилоятида энг кўп 1,4 промиллега камайган.

Фарғона водийси вилоятлари шаҳар ва туманларида ҳам ўлимнинг умумий коэффициентида ҳудудий тафовутлар кўзга ташланади. Вилоят марказлари ва йирик шаҳарларида аҳоли ва транспорт тугунининг зичлиги, саноат корхоналарининг шаҳар ва шаҳар атрофида жойлашганлиги сабабли юқори бўлиб келган. 1991 йилда ўлим кўрсаткичи Фарғона, Қўқон, Марғилон, Андижон шаҳарлари, Бешариқ, Фурқат, Хўжабод туманларида “юқори” даражада бўлган. Саноат марказлари ҳисобланган Хонобод ва Қувасой шаҳарлари, аҳолиси сийрак жойлашган ва табиий шароити бир оз ноқулай ҳамда миграция таъсири нисбатан кучли бўлган Марказий Фарғонанинг Бўстон, Улуғнор, Ёзёвон ва Бувайда туманларида “паст” кўрсаткичга эга бўлган.

Сўнги йилларда ўлим кўрсаткичи пасайиб, 2020 йилда водийда унинг “юқори” даражаси кузатилмади. Фарғона, Кўқон, Марғилон, Андижон, Наманган шаҳарлари, Данғара, Фурқат, Фарғона, Олтинкўл, Булоқбоши, Асака, Бўстон, Андижон, Марҳамат, Жалақудук, Уйчи, Учкўрғон туманларида “ўртача” даража кузатилди. Фарғона водийси вилоятларининг қолган барча туман ва шаҳарлари ўлимнинг “паст” даражасига кирувчи ҳудудлар тоифасига тўғри келади.

Бутун дунёда аҳолисига хавф солган Covid-19 нинг тарқалиши, пандемия шароити аҳоли ўлимнинг ортишига олиб келди. Жумладан, 2020 йилда мамлакатимизда ҳам 2019 йилга нисбатан ўлим даражасининг ортиши, умр кўриш даврининг қисқариши кузатилди. Фикримизча, кейинги йилларда ўртача умр кўриш даври яна ортиб боради.

Фарғона водийси вилоятларида туғилганда кутилаётган умр давомийлиги 1991-2019 йилларда 69,8 ёшдан 75,5 ёшга ортди. Ушбу кўрсаткич эркаларда 66,5 ёшдан 73,8 ёшга ва аёлларда 72,9 ёшдан 77,0 ёшга кўтарилди. Тадқиқ этилаётган даврда эркаларнинг умр кўриш давомийлиги 7,3 ёшга ва аёлларда 4,1 ёшга ортган. Натижада, 1991 йилда эркалар ва аёллар умр кўриш давомийлиги ёши ўртасидаги фарқ 6,1 ёшдан 2019 йилда 3,2 ёшга қисқарди.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Худудий демографик жараёнлар ва уларни ҳисобга олиш**” деб номланиб, унда Фарғона водийси вилоятларида демографик жараёнлар ривожланиши ва демографик районлаштириш, худудий демографик тараққиётнинг келажак йўналишлари ва 2040 йилгача бўлган аҳоли прогнози масалалари тадқиқ этилган.

Фарғона водийси вилоятлари демографик жараёнларидаги худудий тафовутларидан келиб чиққан ҳолда 6 та демографик районлар ажратилди. Мазкур районлаштиришда туғилиш, ўлим ва табиий ўсишнинг умумий коэффициентлари асосий мезон сифатида олинган (4-жадвал).

4-жадвал

Фарғона водийси демографик районларининг айрим демографик кўрсаткичлари

№	Демографик районлар	Урбанизация даражаси, %	Майдони		Аҳолиси				Демографик кўрсаткичлар (хар 1000 кишига нисбатан)					
			Минг км ²	%	1991		2019		1991			2019		
					Сони	%	Сони	%	Туғилиш	Ўлим	Табиий ўсиш	Туғилиш	Ўлим	Табиий ўсиш
1	Наманган	58,8	2,85	15,4	1248,4	21,9	2036,1	22,6	37,2	5,7	31,5	23,7	4,4	19,3
2	Марказий Фарғона	35,2	1,79	9,6	203,0	3,6	340,5	3,8	36,7	4,8	31,9	22,8	4,5	18,3
3	Чуст-Поп	63,1	3,85	20,7	279,8	4,9	450,9	5,0	33,8	5,9	27,9	21,9	4,3	17,6
4	Кўқон	47,7	3,66	19,7	1148,6	20,1	1823,1	20,2	36,5	6,3	30,2	22,4	4,5	17,9
5	Андижон	53,8	3,70	20,1	1757,0	30,8	2788,6	30,9	33,5	5,8	27,6	23,5	5,0	18,5
6	Фарғона	68,6	2,70	14,5	1064,3	18,7	1580,0	17,5	34,4	6,2	28,2	21,5	4,7	16,8
	Жами	57,8	18,54	100	5701,1	100	9019,2	100	36,2	6,3	29,9	23,5	4,7	18,8

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Демографик районлар комплекслик, тарихийлик ва ҳудудий яхлитлик тамойиллари асосида ажратилган. Шунинг билан бирга, мазкур районларни ажратишда ҳудудларнинг табиий шароити, миграция, урбанизация ва иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, меҳнат тақсимоти ва хўжалик ихтисослашуви каби омиллар ҳам ҳисобга олинди.

Демографик районлар аҳолининг ҳудудий жойлашуви, динамикаси ва демографик жараёнлар ривожланишига энг катта таъсир кўрсатувчи қуйидаги географик объектлар номи билан аталди:

— **Наманган демографик райони.** Унинг таркибига Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон, Норин, Уйчи, Наманган, Тўрақўрғон туманлари кирди;

— **Марказий Фарғона демографик райони.** Унинг таркибига Андижон вилоятининг Улуғнор ва Бўстон туманлари, Фарғона вилоятининг Ёзёвон ҳамда Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманларидан ташкил топган;

— **Чуст-Поп демографик райони.** Энг катта майдонга эга бўлган мазкур район Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманларидан иборат;

— **Кўқон демографик райони.** Ушбу район Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳри, Данғара, Фурқат, Бешариқ, Ўзбекистон, Учкўприк, Бувайда, Боғдод, Риштон, Сўх туманларини ўз ичига олади;

— **Андижон демографик райони.** Ушбу район Андижон вилоятининг Андижон ва Хонобод шаҳарлари, Қўрғонтепа, Жалакудук, Хўжаобод, Булоқбоши, Марҳамат, Асака, Балиқчи, Шаҳрихон, Олтинкўл, Андижон, Пахтаобод ва Избоскан туманларидан иборат;

— **Фарғона демографик райони.** Мазкур ҳудуд Фарғона вилоятининг Фарғона, Марғилон ва Қувасой шаҳарлари, Олтиарик, Қўштепа, Фарғона, Қува, Тошлоқ туманларидан ташкил топган.

Мазкур районлар демографик жараёнлари ривожланишида вилоятларнинг марказий ва йирик шаҳарлари муҳим ўрин тутиб, марказий шаҳарлардан узоқлашиб борган сари аҳоли зичлиги, урбанизация даражаси пасаяди ва демографик жараёнларнинг ўзгариб боришига олиб келади.


Демографик районлар аҳолиси табиий ўсиш суръатининг ҳудудий тафовутларидан келиб чиқиб, водий вилоятларида аҳолининг аста секинлик билан шимол томонга “*силжиши*” кузатилмоқда. Бунга асосий сабаб Наманган демографик райони аҳолиси ўртасида туғилиш ва унга боғлиқ ҳолатда табиий ўсиш суръатларининг бошқа демографик районларга нисбатан юқори бўлиши, аҳолининг миллий таркиби ва унга боғлиқ ҳолатда шаклланган менталитет (эрта турмуш қуриш, ажралишларнинг камлиги), нофаол миграцион ҳаракат каби омиллар кучли таъсир кўрсатган.

Прогноз даврида водий аҳолисининг мамлакатдаги улуши деярли ўзгармаса-да, лекин демографик салмоғи энг юқори ҳудуд сифатида сақланиб қолади. Демографик прогнозни амалга оширишда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг хусусиятлари ҳисобга олинди. Унга кўра, шаҳарлар аҳолиси миллий-этник таркибининг мураккаблиги, аҳоли маълумотлилики даражасининг юқорилиги, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланганлиги,

аёлларнинг ишлаб чиқаришда юқори бандлик даражаси каби омиллар аҳоли табиий ўсиш суръатларининг паст бўлишида муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқилган прогнозга кўра, Ўзбекистонда 2020-2040 йилларда шаҳар аҳолисининг салмоғи 50,6 фоиздан 48,4 фоизга камайиши кутилади. Фарғона водийси вилоятларида эса 57,4 фоиздан 56,4 фоизга камайиши прогноз қилинади. Бунда водий вилоятларида урбанизация даражасининг мамлакат кўрсаткичидан юқорилиги, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси табиий ўсишидаги фарқнинг катта эмаслиги муҳим омил сифатида олинди.

Фарғона водийси вилоятларида туғилиш ва ўлим прогнозига кўра, Фарғона, Қўқон, Андижон шаҳарларида демографик жараёнлар, хусусан туғилишнинг паст, ўлимнинг юқори ва уларга боғлиқ ҳолатда табиий ўсишнинг паст суръатларда бўлиши 2040 йилларгача давом этади. Прогнозда урбанизацияга боғлиқ ҳолда аҳоли турмуш тарзининг юксалиб бориши, ижтимоий муҳитнинг ўзгариши, экологик ҳолатнинг кескинлашиши каби омиллар ҳам ҳисобга олинди. Шунингдек, мазкур шаҳарлардан узоқлашиб борган сари чекка туманларда туғилишнинг нисбатан юқори, ўлимнинг паст бўлиши ва табиий ўсишнинг ортиб бориши кузатилади.


Фарғона водийси демографик районларида аҳоли сонининг турли даражадаги ўсиш суръатлари, ундаги ҳудудий тафовутларнинг янада кенгайишига, ва энг асосийси, **“геодемографик тўлқинлар”**нинг вужудга келишига олиб келади. Водий вилоятлари тадқиқот йилларида **“даврий тўлқинлар”** ва демографик районлараро **“геодемографик тўлқинлар”** аниқланди (1-расм).



1-расм. Фарғона водийси демографик районларида аҳоли сонининг ўзгариши ҳисобига юзага келадиган геодемографик тўлқинлар

1990 йилларда бошланган аҳолининг табиий ўсишидаги пасайиш 2000 йилларгача давом этди. Энг паст ўсиш суръатлари 2007 йилгача сақланиб турди. Ундан кейинги давр(2010-2020 йй)да аҳоли табиий ўсиш суръатлари 1990 йиллардаги юқори никоҳланиш даражаси ҳисобига янада ўса бошлади. 2020-2030 йилларда аҳолининг ўсиш суръатлари пасаяди. Бунга 2000-2010 йиллардаги паст демографик ўсиш кучли таъсир кўрсатади. 2030-2040 йилларда аҳоли ўсиш суръатлари янада пасаяди. Бунга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли турмуш тарзининг юксалиб бориши, урбанизация ва индустриал тараққиёт, экологик омиллар кучли таъсир кўрсатиши ҳисобга

олинди. Демографик районларнинг урбанизация даражаси аҳоли сони ўсиш суръатига таъсир этиб, ўзига хос геодемографик тўлқинни юзага келтиради. Фарғона демографик районида урбанизация даражаси энг юқори бўлиб, аҳоли сони ўсиш суръати паст эканлиги билан тавсифланади. Андижон ва Қўқон демографик районларида аҳоли ўсиш суръатидаги энг кучли пасайиш 2000-2010 йилларда кузатилди. Ушбу ўн йилликда энг юқори ўсиш Марказий Фарғона ва Наманган демографик районларида қайд этилди. 2020-2030 йилларда энг паст ўсиш Андижон демографик районида кутилади. Прогнозга кўра, 2030-2040 йилларда Наманган ва Чуст-Поп демографик районлари аҳоли сони ўсишининг энг паст даражасига эга бўлади. Умуман олганда, водийнинг демографик районларида геодемографик тўлқинлар Фарғона демографик районидан бошланиб, Наманган ва Чуст-Поп демографик районларида ўз якунига етади (2-расм).



2-расм. Фарғона водийси вилоятлари демографик районлари аҳоли прогнози картаси (Картанинг муаллифлик нухаси 1:925 000 масштабда тузилган. Бу ерда кичрайтириб берилган).

Фарғона водийси вилоятларида туғилишнинг паст даражада бўлиши аҳоли ёш таркибида ёшлар салмоғининг камайиб боришига олиб келади. Ўлим суръатининг пастлиги, ва мос равишда, ўртача умр кўриш даврининг кўтарилиши аҳоли ёш таркибида кексалар салмоғининг ортиб боришига олиб келади. Прогноз йилларида водий вилоятлари аҳолиси таркибида 0-15 ёш, яъни меҳнат қилиш ёшигача бўлган аҳоли салмоғи 29 фоиздан 25,5 фоизгача камайиши кутилади. Шунингдек, ўлим коэффицентининг паст даражаси ва ўртача умр кўриш даврининг ортиб бориши нафақа ёшидаги кексалар салмоғининг 10 фоиздан 16,9 фоизга ортиб боришига олиб келади. Меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли салмоғи эса 60,6 фоиздан 57,6 фоизга камайиши кузатилади.

Аҳоли ёш таркибидаги бундай ўзгаришлар келгусида ҳар 100 та меҳнат қилиш ёшидаги аҳолига тўғри келувчи болалар ва кексалар ўртасидаги демографик босимнинг ортишини кўрсатади. Таҳлилларга кўра, 2020 йилда ҳар 100 та меҳнат қилиш ёшидаги аҳолига жами 65,0 та демографик босим (15 ёшгача бўлган болалар 47,9 та ва нафақа ёшидаги аҳоли 17,1 та) тўғри келса, бу кўрсаткич 2030 йилда 74,7 тага (мос ҳолда 49,6 ва 25,1), 2040 йилда эса 73,6 тага (мос ҳолда 44,3 ва 29,3) тўғри келиши кутилади. Водий вилоятларида демографик босим келгусида ортиб бориши билан бирга 15 ёшгача бўлган болалар ва нафақа ёшидаги аҳоли ўртасида нисбат ўзгариши кексаларга томон оғиб боришида ҳам ўз аксини топмоқда.

Прогноз даврида табиий шароити ноқулай бўлган Марказий Фарғона демографик районида аҳоли кўчиб келишининг ортиши, хўжалик ихтисоси ўзгариши кузатилса-да, лекин аҳоли табиий ўсиш суръатларининг паст суръатларда сақланиб қолиши унинг демографик районлар орасида аҳоли салмоғининг деярли ўзгармай қолишидан далолат беради. Ҳисоб-китобларга кўра, аҳолининг табиий ўсишига боғлиқ ҳолда Андижон ва Фарғона демографик районларида аҳоли салмоғининг камайиши ҳамда Наманган демографик районида эса ортиб бориши назарда тутилди.

Ишлаб чиқилган прогнозга кўра, аҳолининг ўртача умр кўриш даври ортиб боради ва 2040 йилга бориб 80 ёшга етиши кутилади. Шунингдек, аёллар эркакларга нисбатан умр давомийлиги юқори бўлиши билан бирга, уларнинг ўртача умр кўриш даври ўртасидаги тафовут қисқариб боради.

ХУЛОСА

Фарғона водийси вилоятларида демографик жараёнларни ўрганиш кўйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш имконини берди:

1. Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг никоҳланиш ва туғилиш коэффицентининг корреляцион боғлиқлик динамикасига кўра, 2012 йилгача бўлган даврда оналарнинг биринчи фарзанд кўриш ёши ортиб борганлиги ҳамда оиладаги ўртача фарзандлар сони камайиши, сўнгги йилларда туғилган болалар сони ёш авлоддан катта авлодга қараб ортиб борганлиги ва ўртача фарзандлар сони ортганлиги аниқланди. Бу эса аёлларнинг *“фаол репродуктив давр”*ни катта ёшга томон силжишига олиб келди;

2. Аҳолининг туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш кўрсаткичлари бўйича биридан тафовут қиладиган Фарғона водийси вилоятлари комплекслик, ҳудудийлик ва тарихийлик тамойиллари асосида демографик районлаштирилди. Мазкур районлаштириш натижасида 1:925 000 масштабда *“Фарғона водийси демографик районлари”* картаси яратилди ва унинг асосида аҳоли табиий ҳаракати кўрсаткичлари пасайиши ҳисобига вужудга келадиган *“геодемографик тўлқинлар”*нинг йўналишларини аниқлаш мумкин;

3. Фарғона водийси вилоятлари 2040 йилгача бўлган прогноз даврида Фарғона ва Андижон демографик районлари аҳолисининг салмоғи камайишига, аксинча аҳоли табиий ўсиш суръатлари юқори бўлган Наманган демографик райони аҳолиси салмоғининг ортиб боришига, яъни Фарғона

водийсида аҳолининг шимолга томон “силжиши”га олиб келади. Ишлаб чиқилган прогнозга кўра, Фарғона водийси вилоятлари марказлари ва йирик шаҳарларида демографик жараёнларнинг келгусида туғилиш ва ўлимга боғлиқ ҳолда табиий ўсишнинг паст бўлишига олиб келади. Шунингдек, йирик шаҳарлардан узоклашиб борган сари чекка туманларда туғилишнинг нисбатан юқори, ўлимнинг паст бўлиши ва табиий ўсишнинг ортиб бориши кутилади;

4. Фарғона водийси вилоятларида туғилишнинг паст даражада бўлиши аҳоли ёш таркибида болалар ва ўсмирлар салмоғининг камайишига сабабчи бўлса, ўлим суръатининг пастлиги ва аҳоли ўртача умр кўриш даврининг узайиши эса кексалар салмоғининг кўтарилишига олиб келади (2040 йилда 80,2 ёшга етади). Прогнозга кўра, 2040 йилда кексалар салмоғи водий вилоятларида 16 фоизга етиши кутилади. Кексаларнинг ёш жиҳатдан биологик қариши тиббий хизмат кўрсатиш юкласининг ортишига олиб келади. Бу эса кексаларнинг даволаниши ва саломатлигини тиклаши учун сиҳатгоҳлар фаолиятини янада ривожлантириб боришни тақазо этади;

5. Водийнинг демографик районларида туғилиш, ўлим ва табиий ўсишнинг даврий тебраниши 2040 йилгача бўлган прогноз даврида аҳоли сонининг ўсиш суръатида ҳам акс этади. Шунингдек, демографик районлараро ўзига хос геодемографик тўлқинлар Фарғона демографик районида бошланиб, Андижон ва Чуст-Поп демографик районида якунига етади;

6. Фарғона водийси вилоятларида аҳоли табиий ўсишининг ўртача кўрсаткичида пасайиш рўй берди. Бундай аҳоли табиий ҳаракати кўрсаткичлари пасайиб бориши вилоят марказларидан чекка туманларга томон ҳудудий алмашиб *“ички геодемографик тўлқинлар”* ҳосил қилади. Водий шаҳар ва туманларида аҳоли ўсиши ва турмуш шароитини яхшилаш, иқтисодий-ижтимоий ривожланишни режалаштириш ва амалга оширишда геодемографик тўлқинларни эътиборга олиш тавсия этилади;

7. Марказий Фарғона демографик районида аҳолини ҳудудий қайта ташкил этиш имконияти нисбатан юқори бўлиб, мазкур районга юқори даромадли янги иш ўринлари яратиш орқали демографик юки оғир бўлган туманлардан *“ички миграция”*ни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли салмоғининг камайиб бориши ҳар 100 та меҳнат қилиш ёшидаги аҳолига тўғри келувчи демографик босимни ортишига олиб келади. Демографик босимнинг ортиши меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, унинг ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб чиқаради;

8. Фарғона водийси вилоятларида ўлимнинг нисбатан юқори даражаси Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарлари ва унга қўшни туманларга тўғри келади. Шунинг учун мазкур туманларда тиббиёт бирлашмаларини мажмуавийлигини такомиллаштириш, тор ихтисосли мутахассисларни жалб этиш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш бўйича профилактик ишларни доимий йўлга қўйишни тақозо этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТЕМИРОВ ЗОКИРЖОН АБДИЛВОХИДОВИЧ

**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ
ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ОБЛАСТЯХ ФЕРГАНСКОЙ
ДОЛИНЫ**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АФТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ (PhD)**

Тошкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/Gr72 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Научного совета (www.nuuz.uz) и на Информационном образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научной руководитель: Кадыров Рахимжон Болтабоевич
доктор географических наук (DSc)

Официальные оппоненты: Тажиева Зулхумор Назаровна
доктор географических наук, профессор
Жумаханов Шавкатжон Заиржонович
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «01» апреля 2022 года в 10⁰⁰ часов на собрании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 по присуждению научных степеней при Национальном Университете Узбекистана (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национальный Университет Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального Университета Узбекистана (зарегистрирован под номером № 35). Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «01» апреля 2022 года.
(Протокол реестра № 39 от «01» апреля 2022 года).



Н.И.Сабитова
Председатель Научного совета
по присуждению научных степеней д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов
Секретарь Научного совета
По присуждению научных степеней, к.г.н., доцент

З.Н.Тожиева
Председатель научного семинара
При Научном совете по присуждению
Научных степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На условия жизни и здоровье населения мира в определенной степени влияют демографические процессы. Тот факт, что население растет высокими темпами, вызывает демографические проблемы. В качестве положительного решения этих проблем ряд международных организаций, в том числе Фонд ООН в области народонаселения, определили главную задачу «повышение качества жизни и устойчивое развитие»¹. Эти задачи требуют исследований, направленных на выявление и оценку особенностей развития демографических процессов в густонаселенных районах, факторов, влияющих на него, а также разработки прогнозов.

В мире уделяется приоритетное внимание исследованиям в этой области, в частности, для выявления региональных особенностей регенерации населения, повышения здоровья и продолжительности жизни населения, влияния социально-экономического развития регионов на демографические процессы. Важной задачей является выявление конкретной геодемографической ситуации, обусловленной природными и социально-экономическими географическими и другими факторами, факторами, влияющими на развитие демографических процессов и его территориальными особенностями, совершенствование научных основ региональной демографической политики и развития, а также разработка специальных программ.

В нашей стране предпринимаются комплексные меры направленные на человеческий фактор и достигаются значительные положительные результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы обозначены важные задачи по «Разработке генеральной схемы расселения населения»². В связи с этим важными являются исследования, направленные на улучшение процесса регенерации населения, регионального демографического состава и расселения Ферганской долины, обладающей высоким демографическим потенциалом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 26 марта 2020 года УП-5975 «О мерах по коренному обновлению государственной политики в области экономического развития и сокращения бедности», 8 августа 2017 года РП-3182 «О приоритетных мерах обеспечения ускоренного социально-экономического развития регионов» и других нормативно-правовых документов, соответствующих этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетом развития науки и технологий республики I.

¹ <https://www.unfpa.org/world-population-trends>

